

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ПАЙЗИЕВ ДИЛШАТ ЮЛДАШБАЕВИЧ

**ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАВОБГАРЛИКДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08. – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy PhD)

Пайзиев Дилшат Юлдашбаевич

Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш
институтини такомиллаштириш 3

Пайзиев Дилшат Юлдашбаевич

Совершенствование института освобождения от ответственности
в связи с примирением 21

Payziev Dilshat Yuldashbaevich

Improving the institution of exemption from liability in connection
with reconciliation 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ПАЙЗИЕВ ДИЛШАТ ЮЛДАШБАЕВИЧ

**ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАВОБГАРЛИКДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08. – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ү157 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Отажонов Абдоржон Анварович
юридик фанлар доктори, профессор


Каримов Хуршид Акрамович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент


Етакчи ташкилот: Тошкент давлат юридик университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Ү1.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "7" сентябрь соат 15.00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1117-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2021 йил "23" август кунин тарқатилди.
(2021 йил "23" августдаги 4-рақамли реестр баённомаси).


 А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

 Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

 Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили содир этилаётган жиноятлар натижасида ўртача 550 миллиондан ортиқ шахс жабрланиб, уларга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарарлар етказилмоқда¹. Бу борада БМТнинг норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларида жиноятдан жабрланган ҳар қандай шахснинг ҳуқуқи муҳофаза қилиниши, жиноят натижасида унга етказилган маънавий, жисмоний ва моддий зарар қопланиши ҳамда реабилитация қилиш шартларининг белгиланганлиги², дунё давлатлари қонунчилигида жабрланувчининг манфаатларини таъминлаш билан бирга унга зарар етказган шахсга нисбатан жазо институтига муқобил бўлган либерал ва адолатли ҳуқуқӣ институтларни қўллашни назарда тутувчи аниқ ҳуқуқӣ механизмларни белгиловчи жиноий-ҳуқуқӣ таъсир чораларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқӣ муносабатларни тиклашга қаратилган жиноий-ҳуқуқӣ институтларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, хусусий айблов, ярашув, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, медиация, шахсни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи бошқа жиноий-ҳуқуқӣ таъсир чораларини жорий этиш, бу борадаги қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида илмий асосланган ечимларини топиш ва амалда қўллашга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни кенгрок қўллаш орқали жабрланувчининг манфаатларини тиклаш билан бирга жиноят содир этган шахсга нисбатан либерал ва соддалаштирилган тартибдаги жиноий-ҳуқуқӣ чоралар белгилаш бўйича изчил ва давомли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Суд-тергов амалиётида ярашув доирасидаги ишлар, жами содир этилган жиноятлар сонига нисбатан қиёсланганда, сўнгги уч йилда, тугатилган жиноят ишлари ўртача 22,6 фоизни, жавобгарликдан озод қилинган шахслар сони 20,3 фоизни ташкил этган³ бўлса-да, бу кўрсаткич чет давлатларга нисбатан анча пастлигича сақланиб қолмоқда. Масалан, Россияда бу кўрсаткич 2019 йилда 58,5 фоизни ташкил этган⁴, 2020 йилда эса фақатгина хусусий айблов тартибидаги жиноят турларига (қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ҳақорат қилиш ва бошқ.) нисбатан олинганда 102,5 минг шахс жабрланувчи билан ярашганлиги асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинган⁵. Шу боис ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўллаш доирасини кенгайтириш, асослари ва шартларини соддалаштириш, ярашув институтини аниқ ва бир хилда

¹ The mission of the National Center for Victims of Crime // <https://victimsofcrime.org>.

² Декларация основных принципов правосудия для жертв преступления и злоупотребления властью (утв. Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 40/34 от 29 ноября 1985 г.) // Международные акты о правах человека сбор документов. – М., 2019. – С. 166-169.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайти // <https://stat.sud.uz/index.html>.

⁴ Обзор судебной статистики о деятельности федеральных судов общей юрисдикции и мировых судей в 2019 году // http://www.cdep.ru/userimages/sudebnaya_statistika/2020/Obzor_sudebnoy_statistiki_2019.pdf.

⁵ Лебедев. В. Заявление внесенный Верховным судом в Госдуму законопроект об отмене частного обвинения в России. <https://tass.ru/obschestvo/11129527> – М., 2021.

қўлланилишини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, шахснинг айбига иқрор бўлиб суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишига эришиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 14 майдаги ПК-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ярашилганлиги муносабати билан жинсий жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш масалалари доимий равишда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи назарияси соҳаси олимларининг диққат марказида бўлган. Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан: Қ.Р. Абдурасулова, Б.Ж. Ахраров, Ш. Бердиев, Ғ.К. Ботиров, А.Г. Закирова, Р.А. Зуфаров, З.Ф. Иноғомжонова, И. Исмаилов, Р. Кабулов, Қ.Қ. Маткаримов, Б.А. Миренский, Б.Б. Муродов, А.А. Отажонов, Қ.П. Пайзуллаев, Б.Х. Пўлатов, М.А. Ражабова, А.К. Расулев, А.Х. Раҳмонкулов, М.Ҳ. Рустамбаев, Н.С. Салаев, Ф. Тахиров, Г.З. Тўлаганова, М. Усмоналиев, У.Ш. Холикулов, Р.Р. Шакуров, А.С. Якубовлар ўзларининг илмий ишларида ярашилганлиги муносабати билан жинсий жавобгарликдан озод қилиш институтининг умумий жиҳатларига тўхталиб ўтганлар.

Хорижий мамлакатлар олимларидан И.В.Большаков, А. Владимирова, М.А. Галимова, Е.В. Давыдова, О.В. Карягина, Е.В. Кузбагарова, Л.Н. Лянго, О.А. Мачучина, М.В. Нагуляк, Р.К. Плиско, Е.А. Рубинштейн, А.А. Русман, Б.Б. Самданова, Е.А. Симонова, В.В. Ценева, Т.В. Чернышова, В.В. Юрков, Г.М. Якобашвили⁶ ва бошқалар ўз илмий қарашларини баён этганлар.

⁶ Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш масалалари тадқиқ этилган С.М. Саҳаддиновнинг “Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида (2005) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг жиноят-процессуал жиҳатлари комплекс ўрганилган. Бироқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, хорижий давлатлар ижобий тажрибаси таҳлили асосида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш муаммолари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” (13-банди) фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш ҳамда ярашув қўлланиладиган жиноят турлари доирасини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

жиноий жавобгарлик, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаларининг моҳиятини очиб берувчи таърифларни ишлаб чиқиш;

ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини ретроспектив таҳлил қилиш;

ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг жорий этилиши ва такомиллашувини тадқиқ этиш;

ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартларига доир нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноятлар доирасини кенгайтириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (кейинги ўринларда - ЖК) тавсиялар ишлаб чиқиш;

ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят турларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифини бериш;

айрим чет эл давлатлари жиноят қонунчилигининг ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят турларига доир нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

ярашув институтига оид хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш,

умумлаштириш ва уларнинг илғор тажрибасини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқотнинг предметини ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида илмий билишнинг умумий ва хусусий методлари, мантиқийлик, анализ ва синтез, дедукция ва индукция, киёсий-ҳуқуқий таҳлил, умумлаштириш, жиноят ишлари таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жиноятини (ЖКнинг 141¹-моддаси) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўлланиладиган жиноят турлари доирасига киритишнинг ижтимоий зарурати асослантилган;

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини (ЖКнинг 141²-моддаси) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят тури сифатида белгиланиши шахс манфаатларини жиноий-ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоялаш даражасини оширишга хизмат қилиши исботланган;

ЖКнинг 66 ва 66¹-моддаларида назарда тутилган қилмишларга тўғри ва ҳаққоний баҳо беришда айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этишни ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишдан асос ва шартларига кўра фарқлаш лозимлиги исботланган;

ярашув учун етарлича асослар бўлмаган ёки жиноят иши умумий қоидалар асосида терговга қадар текширув, суриштирув ёхуд дастлабки терговга қайтарилган ҳолларда ҳам мазкур тоифадаги жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва бу борадаги зарур ахборотларни йиғиш ҳамда умумлаштириб бориш амалиётини йўлга қўйиш зарурлиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартли турини жорий қилиш жумладан, зарурат мавжуд бўлган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахсга алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ мажбуриятини юклаш, вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари – вояга етмаганлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ва қарамоғида вояга етмаган

болалари бўлган ёлғиз шахсларга нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурият шаклидаги турини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят ҳуқуқи назариясида умум эътироф этилган қоидалар ва илмий далиллар асосида исботланган, ишлаб чиқилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* ундаги илмий хулоса ва тавсиялардан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг назарий асосларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* шундаки, улар натижасида шакллантирилган таклиф ва тавсиялардан ярашилганлиги муносабати жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўлланиш доирасини кенгайтириш, асос ва шартларини такомиллаштириш, муайян тоифадаги шахсларга ярашувнинг мажбурият шаклидаги турини қўллашга доир ЖК нормаларини такомиллаштириш ва қўллаш амалиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жиноятини (ЖКнинг 141¹-моддаси) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўлланиладиган жиноят турлари доирасига киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-411-сон Қонуни 4-моддаси тўртинчи банди билан киритилган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасининг биринчи қисмини амалдаги таҳрирда баён этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 23 июндаги 06/1-05/1705 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши шахс манфаатларини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини (ЖКнинг 141²-моддаси) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят тури сифатида белгиланиши шахс манфаатларини жиноий-ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоялаш даражасини оширишга хизмат қилишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон

Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-548-сон Қонунининг 1-моддаси иккинчи банди билан киритилган, ЖКнинг 66¹-моддаси биринчи қисмини амалдаги тахрирда баён этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 23 июндаги 06/1-05/1705 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида кафолатлашни кучайтириш имконини яратган;

ЖКнинг 66 ва 66¹-моддаларида назарда тутилган қилмишларга тўғри ва ҳаққоний баҳо беришда айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этишни ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишдан ўзаро асос ва шартларига кўра фарқлаш лозимлигига доир тавсия ҳамда хулосалардан ИИВ Академияси ўқув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган “Курс уголовного права Республики Узбекистан. Том II. Общая часть. Учение о наказании” номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил майдаги 394-сон буйруғига асосан берилган 394-255-сон гувоҳнома). Илмий хулосаларнинг жорий этилиши олий таълим муассасалари курсант ва талабалари, изланувчилари ва амалиёт ходимларининг ярашув билан боғлиқ қилмишларни тўғри квалификация қилишга доир билим ҳамда кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

ярашув учун етарлича асослар бўлмаган ёки жиноят иши умумий қоидалар асосида терговга қадар текширув, суриштирув ёхуд дастлабки терговга қайтарилган ҳолларда ҳам мазкур тоифадаги жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва бу борадаги зарур ахборотларни йиғиш ҳамда умумлаштириб бориш амалиётини йўлга қўйишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги 3//20//11-121-18//2//01-02/22-29-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Жиноятларни, уларни содир этган шахсларни, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суднинг процессуал қарорларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 32-банди ва 54-банди тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 5 майдаги 33/02-05/1349-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суднинг процессуал қарорларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий конференцияда, шундан 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шундан диссертациянинг асосий натижаларини

чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та (шундан 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг мазмун-моҳияти”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур институт ретроспектив таҳлил қилиниб, унинг жорий этилиши ва такомиллашуви масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, муайян тушунчани қонунда ягона ёндашув асосида ифодалаш мақсадида амалдаги ЖКнинг “жавобгарлик”, “жиноят учун жавобгарлик” тушунчаларини “жиноий жавобгарлик” тушунчаси билан ўзгартиришни таклиф этган. Шунингдек, ЖКнинг 10-моддаси (жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи) ва 16-моддаси (жиноий жавобгарлик ва унинг асослари)ни янги таҳрирда баён этиш зарурлигини асослаб берган.

Жиноят ҳуқуқи назариясига доир илмий адабиётлар таҳлилига асосланиб, келтирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг тушунчаси бўйича қуйидагича хулосага келинган:

“Жиноят кодексига назарда тутилган асослар мавжуд ҳолларда шахснинг ижтимоий ҳавфи қилмиши учун суднинг айблов ҳукми чиқишидан озод қилиниши, судланганлик ҳуқуқий ҳолатининг келиб чиқмаслиги жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб топилди”.

Диссертантнинг таъкидлашича, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти доирасини кенгайтириш, давлатнинг жиноий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги сиёсатида жиноят содир этган шахсга чора кўриш эмас, балки унинг тузалиш йўлига киришига имкон бериш ва жабрланган шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш вазифаларини биринчи ўринга қўйилишига хизмат қилади. Ушбу институт нафақат жиноят содир этган ва жабрланган шахсга маънавий, иқтисодий фойда келтиради, балки жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, жиноят содир этган шахсларга

нисбатан судланган деган “салбий мақом”ни жиддий равишда қисқартириш имконини беради. Тадқиқотчининг таклиф этишича, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш – мажбурлов тавсифига эга бўлмаган жиноий-ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланиб, жабрланувчи билан ярашган ва қонунда белгиланган бошқа шартларни бажарган шахснинг содир этган ижтимоий хавfli қилмиши учун суд томонидан ҳукм қилинмаслиги, унга нисбатан жазо, бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораси ва судланганликни қўлланилмаслигини назарда тутати.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси юзасидан турли хил ёндашувлар мавжуд. Булар: *биринчи ёндашувга кўра*, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг таркибий қисми ҳисобланиши; *иккинчи ёндашувга кўра*, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтининг таркибий қисми ҳисобланиши; *учинчи ёндашувга кўра*, мажбурлов тавсифига эга бўлмаган жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари институтининг таркибий қисми; *тўртинчи ёндашувга кўра*, жиноий жавобгарлик ёки ҳукм қилиш оқибатларини бартараф қилиш асослари институтининг таркибий қисми ҳисобланиши таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлилларга асосланган ҳолда, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг тушунчаси юзасидан қуйидаги хулосага келинган:

“Содир этган ижтимоий хавfli қилмиши учун жабрланувчи билан ярашган, моддада назарда тутилган шартларни бажарган шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқишидан озод қилиниши, судланганлик ҳуқуқий ҳолатининг келиб чиқмаслиги, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб топилди”.

Жиноят қонунида жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши, унга нисбатан ЖК 66¹-модда қўлланилишини назарда тутати. Жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги бошқа масалаларда ҳам ҳуқуқий аҳамият касб этиши лозим. Диссертантнинг фикрича, жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлигини, суд жазо тайинлашда ҳисобга оладиган ҳолатлар доирасига киритиш (жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга кўшиш), хусусан, ЖК 55-моддаси (жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар) биринчи қисмини қуйидаги таҳрирдаги банд билан тўлдириш зарур: *“б) жабрланувчи билан ярашиши ёки етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиши”.*

Мазкур таклиф сўровномада иштирок этган мутахассисларнинг 85 % томонидан қўллаб-қувватланган. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”нинг 1.2.6-бандида рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан, жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш белгиланган. Тадқиқотчи илгари сурган таклифларнинг жорий этилиши, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини нафақат жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг тури сифатида, балки суд жазо тайинлашда ҳисобга

оладиган ҳолат сифатида ҳам қўлланилишига хизмат қилиши лозимлигини назарда тутган.

Диссертацияда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти бўйича тарихий ва юридик адабиётларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили ушбу институтнинг нафақат амалдаги Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида, балки бир неча асрлар олдин юртимиз худудида бўлган давлат тузилмаларида ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатган. Шу боис тадқиқотчи ярашув институти ривожланишининг тарихий жараёнларини илк (милоддан аввалги III ва милодий IX асрлар); ўрта асрлар ва кейинги даврлар (IX–XX асрлар); собиқ Иттифоқ (1917–1991 йил) ҳамда замонавий (1994 йилдан ҳозирга қадар) даврларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтган.

Диссертацияда суд статистикаси маълумотлари ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини ўрганиш натижалари ҳам келтирилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур институт бевосита жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, республикада судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланилишига имкон яратди. Мамлакатимизда олиб борилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари натижалари ҳамда статистик маълумотлар⁷ (2001–2020 й.) таҳлиliga кўра:

- 214739та жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши сабабли тугатилган;

- 231814 нафар шахс эса ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларини такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, унда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи тадқиқ қилинган ҳамда айрим чет эл давлатлари жиноят қонунчилигининг ярашув асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларига доир нормалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти жорий этилган вақтда уни қўллаш учун бешта шарт белгиланган:

1) шахс томонидан содир этилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасида қайд этилганлиги;

2) шахс жиноятни биринчи марта содир этганлиги;

3) жиноят содир этган шахс ўз айбига иқроп бўлганлиги;

4) жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги; 5) жиноят содир этган шахс етказилган зарарни бартараф этганлиги.

2004 йил 27 августда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, шахс ЖКнинг 66¹-моддасида қайд этилган жиноятни биринчи марта содир этган бўлиши шarti, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг қўлланилишига доир статистик маълумотлари.

озод қилишнинг шартлари доирасидан чиқарилган, шунингдек, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги шarti, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари доирасига киритилган.

Ҳозирги вақтга қадар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартларига бошқа ўзгартиришлар киритилмаган бўлиб, юқоридаги рўйхат тўлиқ ҳисобланади.

Диссертантнинг таъкидлашича, ЖКнинг 66¹-моддаси (ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш)да шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини ҳал этишга ваколатли орган қайд этилмаган. Қонун нормасидаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида ЖКнинг 66¹-моддаси (ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) биринчи қисмидаги “*жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин*” деган сўзларни “*суд томонидан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин*” деган сўзлар билан ўзгартириш асослантирилган.

Тадқиқотчи ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қуйидаги тўрт турга ажратган ҳолда таснифлаган: *ярашувнинг мажбурият шаклидаги тури, ҳуқуқ шаклидаги тури, шартсиз тури, шартли тури.*

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурият шаклидаги турида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мажбурий характерга эга бўлади, тегишли норманинг баён этилиши шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутати (норма шахс “*жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим*”, “*жиноий жавобгарликдан озод қилинади*” деган таҳрирда баён этилади).

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқ шаклидаги турида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тавсиявий характерга эга бўлади, норманинг баён этилиши шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини назарда тутати (норма шахс “*жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин*” деган таҳрирда баён этилади).

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартсиз турида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахснинг зиммасига (озод қилингандан сўнг бажариладиган) ҳеч қандай мажбурият юклатилмайди, у шартсиз жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартли турида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахснинг зиммасига (озод қилингандан сўнг бажариладиган) муайян мажбуриятлар юклатилади.

Шу билан бирга, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурият шаклидаги турига ҳам, ҳуқуқ шаклидаги турига ҳам хос бўлган алоҳида шарт, яъни ушбу институт

қўлланилмайдиган шахслар доираси хорижий тажриба асосида таҳлил қилинган (Россия Федерацияси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Молдова Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Эстония Республикаси, Латвия Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Украина Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси).

Тадқиқотчи ижобий хорижий тажрибаларни миллий қонунчиликка жорий қилиш мақсадида қуйидагиларни таклиф этган:

1) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурият шаклидаги турини жорий этиш, хусусан, ЖКнинг 66¹-моддасини қуйидаги таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдириш: *“Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахс, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони, ҳомиладор аёл, қарамогйда вояга етмаган болалари бўлган ёлғиз шахс, элик беи ёки ундан катта ёшдаги аёл ёхуд олтмиш ёки ундан катта ёшдаги эркак, айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашиб, етказилган зарарни бартараф этса ёки жабрланувчи зарарни қопланишидан воз кечса жиноий жавобгарликдан озод қилинади”*;

2) ярашув институти татбиқ этилмайдиган шахслар доирасини белгилаш, хусусан, ЖКнинг 66¹-моддасини қуйидаги таҳрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш: *“Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланган шахслар, қилмиш оқибатида инсон ўлими билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди, бундан вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида яқин қариндошларининг ўлими юз берган ҳоллар мустасно”*;

3) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартли турини жорий қилиш, хусусан, ЖКнинг 66¹-моддасини қуйидаги таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдириш: *“Суд зарурат мавжуд бўлса, ушбу моддада белгиланган тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахсга алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ мажбуриятини юклаши, вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаши мумкин”*.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноятлар доирасини кенгайтириш”**га бағишланган. Мазкур бобда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят турларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ва доирасини кенгайтириш истиқболлари, шунингдек, ушбу институтга оид хорижий давлатлар тажрибаси ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари тадқиқ қилинган.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноятлар доираси, мазкур қоида жорий этилган вақтдан

бошлаб кенгайиб бориши кузатилган. Қонунчиликда бундай моддалар сони 2001 йилда 26 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда 30 та, 2005 йилда 31 та, 2009 йилда 40 та, 2012 йилда 44 та, 2016 йилда 45 та, 2019 йилда 46 тага етган, шунингдек, жиноят таркиблари сони 2001 йилда 33 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда 39 та, 2005 йилда 43 та, 2009 йилда 54 та, 2012 йилда 59 та, 2016 йилда 60 та, 2019 йилда 61 тага етган.

Жиноятларнинг таснифи бўйича таҳлил қилиш натижалари, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят таркибларининг барчаси (61 та жиноят таркиби) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тури ҳисобланади.

Айбнинг шакллари бўйича таҳлил қилиш натижалари, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят таркибларининг 72,1 фоизи (44 таси) – қасд, 9,8 фоизи (6 таси) – эҳтиётсизлик, 18,1 фоизи (11 таси) қасд ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган жиноятлар ташкил этган.

Диссертант эҳтиётсизлик орқасидан яқин қариндошларининг ўлимига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 266-м. 2, 3-қ.) жиноятини ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланиладиган жиноят турлари доирасига киритишни хорижий ижобий тажриба асосида таклиф этган.

Диссертацияда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурият ва ҳуқуқ шаклида қўлланиладиган жиноят турларининг объектив ва субъектив белгилари, хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра турлари умумлаштирилган ҳолда изоҳлаб берилган (Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Украина Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Туркменистон, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси).

Тадқиқотчи томонидан жамият ва давлатнинг манфаатларига зарар етказган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида тартиби (Қозоғистон Республикаси), иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш, суд жаримасини тайинлаш орқали жиноий жавобгарликдан озод қилиш турлари (Россия Федерацияси), мулкка қарши жиноятлар учун, иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида тартиби (Озарбайжон Республикаси) белгиланганлигини ижобий хорижий тажрибалар сифатида баҳолаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Қозоғистон Республикаси ЖКда жиноят содир этиш оқибатида жамият ва давлатнинг манфаатларига зарар етказилган ҳолларда, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг айбига иқрорлик, етказилган зарарни бартараф этиш шартлари белгиланган. Россия Федерацияси ЖКда иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шарти сифатида биринчи марта жиноят содир этганлик, етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаш ҳамда фуқарога, ташкилотга, давлатга етказилган зарар миқдорининг икки баравари миқдоридаги суммани тўлаш шартлари белгиланган. Шунингдек, суд

